

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларнинг
“Ишонч телефон”ларига мурожаат этиш

ТАРТИБИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларда 2012 йилдан бошлаб “Ишонч телефонлари” жорий этилган бўлиб, бугунги кунда 1 та Федерация Кенгаши, 14 та тармоқ касаба уюшмаларининг Республика кенгашлари ва 14 та ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари “Ишонч телефонлари” мавжуд.

“Ишонч телефони” хизматлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонун ҳужжатлари, касаба уюшмаларига аъзо бўлиш тартиби ва унинг афзалликлари ҳамда бошқа ижтимоий ҳимоя соҳасига оид маълумотлар олишда, шунингдек ижтимоий меҳнат соҳаси ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари ҳамда санаторий, дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар олиш тартиби билан танишишда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган.

Касаба уюшмаларининг “Ишонч телефони”га йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2015 йил 18 апрелдаги 21-5-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги [низом](#) асосида белгиланади.

Касаба уюшмаларининг [“Ишонч телефонлари”](#)га ҳафтанинг душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар қўнғироқ қилиб, мурожаат ёки савол йўллаш мумкин. Мурожаат ва саволларга касаба уюшмаларининг юридик хизмати ходимлари жавоб беради.